

ХП. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ


2017 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси 105 767,8 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 102,4 % ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 14,5 % га ўсиб, 12 259,7 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 11,6 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 12,1 % га кўпайиб, 23 758,8 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 22,5 % ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 69 749,3 млрд. сўми яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 % га пасайди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 65,9 % га тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2017 йилнинг январь–декабрь ҳолатига)




2017 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 190,9 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 146,1 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,13 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 105 576,9 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 102,4 % ни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,87 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 22,5 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 10,6 %, Фарғона вилояти 8,7 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,8 %, Жиззах вилояти 3,3 % ва Қорақалпоғистон Республикаси 3,4 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши
% ҳисобида



Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 3,1 трлн. сўмни ташкил этди ва 1,8 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 2,9 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 39,9 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 11,4 %, Фарғона 6,7 % ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,2 %, Хоразм вилояти 2,1 % ва Жиззах вилояти 2,4 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

2017 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш саръати 114,5 % ни ташкил этди. Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикасида (2016 йилнинг шу даврига нисбатан 24,5 %), Андижон (26,0 %), Тошкент (24,0 %), Қашқадарё (21,9 %), Наманган (21,8 %) ва Бухоро (21,3 %) вилоятларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Чакана товар айланмаси
(умумий овқатланишни қўшиган ҳолда)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>минг. сўм</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан, % ҳисобида</i>
Ўзбекистон Республикаси	105 767,8	102,4	3 265,7	100,7
Қорақалпоғистон Республикаси	3 559,3	102,7	1 945,1	101,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	8 142,7	102,0	2 725,9	100,3
Бухоро	6 581,0	100,4	3 544,5	98,9
Жиззах	3 439,0	100,1	2 619,4	98,2
Қашқадарё	7 197,2	100,2	2 307,9	98,3
Навоий	4 343,4	100,1	4 570,5	98,5
Наманган	6 346,3	103,1	2 371,8	101,3
Самарқанд	9 017,2	101,2	2 446,5	99,3
Сурхондарё	7 139,8	100,2	2 870,0	98,1
Сирдарё	1 859,6	102,2	2 297,4	100,6
Тошкент	11 183,2	103,4	3 930,4	102,1
Фарғона	9 250,9	103,6	2 575,1	101,9
Хоразм	3 925,1	100,1	2 191,9	98,4
Тошкент ш.	23 783,1	105,2	9 727,7	103,6

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини қўшиган ҳолда) аҳоли жон бошига 0,7 % га ошиб, 3265,7 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-декабрь ойларида 2765,4 минг сўмни ташкил қилган эди). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларни Тошкент шаҳри (9727,7 минг сўм), Навоий вилояти (4570,5 минг сўм) ва Тошкент вилоятида (3930,4 минг сўм), энг паст кўрсаткичларни эса Қорақалпоғистон Республикаси (1945,1 минг сўм), Хоразм вилояти (2191,9 минг сўм) ва Сирдарё вилоятида (2297,4 минг сўм) қайд этди.



2017 йилнинг январь–декабрида улгуржи савдо товар айланмаси 45 410,0 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 101,1 % ни ташкил қилди.

Умумий улгуржи савдо товар айланмаси ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсишига қарамасдан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 10,4 % га камайганлигини кузатилди, бу 13 630.2 млрд. сўмни ташкил этди.

Хусусан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган йилга нисбатан қуйидагича: Қорақалпоғистон Республикасида – 88,8 % ни, Андижон вилоятида – 87,8 % ни, Бухорода – 97,5 % ни, Жиззахда – 99,3 % ни, Қашқадарёда – 90,6 % ни, Наманганда – 84,1 % ни, Самарқандда – 83,3 % ни, Тошкентда – 88,7 % ни, Фарғонада – 93,9 % ни ва Тошкент шаҳрида 85,8 % ни ташкил этди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 7,0 % га кўпайиб, 31 779,8 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 70,0 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси

	<i>млрд.сўм</i>	<i>Жамига нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан, % ҳисобида</i>
Ўзбекистон Республикаси	45 410,0	100,0	101,1
Қорақалпоғистон Республикаси	897,9	2,0	96,9
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	1 376,0	3,0	95,9
Бухоро	1 844,1	4,1	100,1
Жиззах	769,6	1,7	107,8
Қашқадарё	2 238,4	4,9	100,2
Навоий	738,7	1,6	101,8
Наманган	1 547,0	3,4	99,3
Самарқанд	3 712,0	8,2	100,4
Сурхондарё	1 517,7	3,3	109,1
Сирдарё	1 055,7	2,3	106,2
Тошкент	5 495,9	12,1	99,5
Фарғона	2 719,0	6,0	103,5
Хоразм	934,4	2,1	103,5
Тошкент ш.	20 563,6	45,3	101,1